

**ВОЯГА ЕТМАГАН ЁКИ МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТСИЗ ШАХСЛАРНИ
МОДДИЙ ТАЪМИНЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ ЖИНОЯТИ
ТУШУНЧАСИ ВА МАЗКУР
ЖИНОЯТ УЧУН ТАЙИНЛАНАДИГАН ЖАЗО ТУРЛАРИ**

Арипов Тимур Усанович
Жиноят ишлари бўйича Китоб
тумани судининг тергов судьяси

Аннотация: Ушбу мақолада вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш жинояти тушунчаси ва ушбу жиноят учун жиноий жавобгарлик масалалари кўриб чиқилади. Шунингдек, ушбу жиноят юзасидан амалиётда вужудга келаётган муаммолар ҳам кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: алимент, бўйин товлаш, маъмурий ва жиноий жавобгарлик.

Янги Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлат қуриш инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қатъий кафолатланганлигини, шунингдек, уларни самарали ҳимоя қилишни назарда тутди. Ҳар бир босқичда барча ижтимоий ривожланишнинг асосини белгиловчи энг муҳим ижтимоий институтлардан бири бу оила ва энг аввало ёш авлоддир.

Ижтимоий фанларнинг турли соҳаларидаги олимлар оила масалаларини ўрганган ва ўрганишда давом этмоқдалар: файласуфлар, социологлар, демографлар, ўқитувчилар, психологлар, юристлар ва бошқалар. Уларнинг барчаси оила мустақил ижтимоий институт бўлиб, ҳар қандай давлатнинг ижтимоий ҳаётида алоҳида ўрин тутди, деган фикрга қўшиладилар, бу эса уни кўплаб тажовузлардан норматив ҳужжатлар орқали ҳимоя қилишни тушунтиради.

Давлатимиз томонидан вояга етмаган болаларга ва меҳнатга лаёқатсиз ота-оналарга моддий таъминлаш мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган шахсларга қарши кураш чораларини ривожлантириш ва кучайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистонда ҳар йили ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сони ортиб бормоқда. Ота-оналарнинг болалар таъминотидан бўйин товлаши боланинг келажақдаги ижтимоийлашувига, унинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Бу билан болада оиладаги хулқ-атворга, унинг тузилишига нотўғри қарашлар шаклланади, оилавий қадриятлар ва муносабатлар тўғрисида нотўғри тасаввур пайдо бўлади. Келгусида ота-оналарнинг алимент тўлашдан бўйин товлаши болаларнинг бундай ота-оналарга таъминот маблағларини тўлашдан бўйин товлашига сабаб бўлиши мумкинлиги истисно этилмайди.

Ушбу жинойт вояга етмаганлар манфаатларига тажовуз қилаётган энг кўп тарқалган жинойт ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу жинойтнинг ижтимоий хавфлилиги ижтимоий турмуш, ахлоқ ва маънавият нормаларига ҳам таъсир кўрсатади, таъминот маблағларини тўлашдан бўйин товлаш ота-оналар ва болалар ўртасида қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлишига, уларнинг ижтимоий алоқасининг бузилишига, унинг заифлашишига олиб келади. Бу эса низоларнинг келиб чиқишига, ҳатто оила-турмуш доирасидаги жинойтларнинг содир этилишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасида, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар, деб кўрсатилган. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси (14-боб) ота-оналарнинг вояга етмаган болаларини боқиш мажбуриятини белгиланган.

Жинойт ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликлар, шубҳасиз, оила аъзоларининг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини, шу жумладан ўзларини таъминлай олмаганликлари сабабли алимент олиш ҳуқуқини ҳимоя қилувчи

етакчи ҳимоя ролини ўйнайди. Давлатимиз қонунчилигида бола ва ота-онани қўллаб-қувватлаш учун тўловларни амалга оширмаганлик учун жиноий жавобгарлик анъанавий ҳисобланади.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47⁴-моддасида, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш учун маъмурий жазо белгиланган. Маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ҳам шахс алимент пулларини тўлашдан бўйин товласа, у Жиноят кодексининг 122-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш деганда, моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик тушунилади.

Ушбу қилмиш учун ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки бир юз йигирма соатгача ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этишга ёхуд Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ маъмурий жазоларнинг мазкур турлари қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Биринчи марта мазкур ҳуқуқбузарликни содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Шахс унга нисбатан алимент пулларини тўламаганлиги учун маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида алимент пулларини тўлашдан такроран бўйин товланган тақдирда Жиноят кодексининг 122-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилади, ушбу жиноий қилмиш икки йилгача ахлоқ

тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланилади.

Вояга етмаганларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш оналар ва бошқа ваколатли шахслар томонидан фарзандларини таъминлаш учун молиявий ресурсларни ажратишга бевосита боғлиқ. Бу вояга етмаганларнинг жисмоний, маънавий ва ахлоқий ривожланишини белгилайди. Уларнинг ижтимоий таъминоти масалаларини ҳал қилиш давлат учун фавқулодда аҳамиятга эга вазифа эканлиги тасодиф эмас.